



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2012 йил
12 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 99
(12.527)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАЪМИНОТ

ГАЗ БОРМАГАН ҚИШЛОҚ ҚОЛМАДИ

Паркент туманида табиий газ таъминотида узиллишлар, босимнинг пастлиги хусусида оз бўлсада, эътироз бўлиб турарди. "Тошкентга таъминот" вилоят унитар корхонаси туман филиали аҳолининг талаб-истакларини тўлароқ қондириш учун янги станция қуриш керак деган қарорга келди.

"Накгаз" махсус қурилиш ташкилоти янги автомат газ тақсимлаш станциясини 5 ойда қуриб, фойдаланишга топширгандан сўнг барча муаммолар барҳам топди.

Туманимиздаги 9 та қишлоқ ва 50 та маҳалла фуқаролар йиғини худудларига табиий газ Юқори Чирчик орқали келарди, — дейди филиал бошлиғи Тиркаш Хуморов. — Олис ва чекка қишлоқларимизга газ яхши етиб бормасди. Янги станция ишга тушган, таъминот тўдан яхшиланиб, газ етиб бормаган қишлоқ қолмади.

Автомат станция иш бошлагани, айниқса, Заркент қишлоғидаги 1800 та, Сўқоқ қишлоғининг 2200 та хонадонини учун айни мuddао бўлди.

Даврон АХМАД олган сурат.



2012 ЙИЛ - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ОРЗУ ВА УМИД ЯШАЙДИ БУНДА

Ҳадемай Мустаҳқам оила йилини тарих оламига кузатиб, 2013 — Обод турмуш йилига қадам қўямиз. Хўш, тарихга айланаётган йил билан ёруғ юз ила хайрлашиб, ободлик йилига дадил қадам ташлашга ҳақлимизми?

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг куйидаги пурмаъно фикрларини эслаш айни зарурат десак хато бўлмас: "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзандлар бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Дарҳақиқат, оила — она Сайёраимиздаги ҳаёт бешиги, тириклик ўчоғи. Шахс маънавияти, дунёқарши, тасаввур ва эътиқодига тааллуқли кўникмалари аввалбошдан ва асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила — маънавий ўчоғи, мафкуравий тарбия, инсонни қишлоқлик сари йўналтирувчи бирламчи макон.

Шу нуқтаи назардан бир ҳолатга диққатимизни қаратайлик. 1997 йилдан эътиборан юртимизда янги, айтиш мумкин, хайри аънанинг иккинчи йиллиги оила институтига ургу берилган бежиз эмас. 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили" деб аталдики, мантиқан қараганда, бу йиллар ҳам аслида оила йилининг амалдаги давоми бўлди десак, муболаға бўлмас. Ва ҳоказо.

Энди бевосита 2012 йил — Мустаҳқам оила йилига келсак, бир бошдан санайверса тугамайдиган кўп арзирли ишлар қилинди. Аввало, "Мустаҳқам оила йили" Давлат дастури ишлаб чиқилиб, давлатимиз раҳбарининг махсус қарори билан тасдиқланиб, йил бошдан то шу кунгача унинг барча бандлари амалга ошириб келинаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Дастур ижросининг самараси ўлароқ жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини шу бир йилнинг ўзигадақ сезиларли даражада мустаҳкамланди. Айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўтунали янги бос-

қичга қўтарилди. Бутун мамлакатда қишлоқ оилалари учун шаҳарлардагидан қолмайдиغان энг замонавий шарт-шароит ва қўлайликларга эга намунавий уйлар қуриш бекиёс қўлам касб этди. Шуниси ўринлики, бу замонавий уйларнинг кўпи ёш оилаларга насиб этаяпти. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор берайлик. Ўзбекистон Республикасининг куни кеча 20 йиллиги тантанали нишонланган Асосий Қонуни — Конституцияимизга оила институтига оид алоҳида боб киритилган. Дунёдаги бошқа бирорта давлатнинг конституциясида бундай боб йўқ. Бу ҳам ўзбек халқининг азал-азалдан болажонлиги, яъни оилаларпарвар эканлигига исбот талаб қилмайдиган бир далил. Қолаверса, хунармандчилик, касаначилик, томорқачилик каби омиллаларга асосланган оилавий тадбиркорлик юртимизда кенг қўлчан ёзгани ҳам Мустаҳқам оила йили ҳар томонлама тўқис ақунланаётганидан далolat беради.

Оила равнақи, гўдақлар, болалар, ўсмирлар, ёшлар тарбияси, уларнинг саломатлиги, кенг ва чуқур таълим олишлари учун яратилган шарт-шароитлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга ҳурмути, маданий-маънавий қишлоқликнинг шакллантириш мақсадларида ташкил этилаётган учрашувлар, савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари ва қўллаб-қўриқ-танловлар жойларда хали-ҳануз давом этаяпти. Бу табиий ҳол. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, оила бор экан, унинг равнақи учун кураш ҳам давом этаяверади.

Пировардида яна бир нарсага диққатимизни қаратайлик. 2013 йил — Обод турмуш йили деб аталди. Бу ном ҳам оила институтини масаласига алоқадор эмасми?.. Шундай. Оила — Ватан ичра мўъжаз Ватан экан, унинг фаровонлиги учун кураш ҳам боқийдир. **Самад Йўлдош.**

2012 ЙИЛ - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ОРЗУ ВА УМИД ЯШАЙДИ БУНДА

Вилоят ҲАЁТИ

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун замонавий технологиялар билан таъминлаш имкониятларидан оқилона фойдаланаётган Қибрай туманидаги "Орипов Ҳайитбой" фермер хўжалиги фаолиятини йил сайин кенгайтириб бормоқда.

Хўжалик мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга мўлжалланган замонавий янги кичик цех қуриб, ишга туширди. Хитойдан 450 минг АҚШ долларига келтирилган

бу замонавий ускуналарда 650 тоннагача мева-сабзавот қайта ишланади ва сақланади. Шу ҳисобдан 50 та янги иш ўринлари яратилди. **Умида ШУКУРОВА.**

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

ШОҲСУПАДА — «ЯНГИ АВЛОД»

Туман марказидаги янги мусиқа мактабиде болалар мусиқа ва санъатнинг бир қатор турлари билан шуғуланмоқдалар.

Омаллик шаҳридаги "Металлургия" маданият саройида бўлиб ўтган "Янги авлод — 2012" болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида Оққўрғон туман "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказининг "Янги авлод" вокал чолғу жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Жамоанинг бундай муваффақиятига эришишида мусиқа раҳбари Абдураим Бекмоновнинг ҳиссаси катта. **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ЯНГИ БОСКИЧДА

ҚИШЛОҚДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг кенг қамровли дастури, "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ги қонунлар, давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжалиқларини ривожлантиришга оид фармонлари соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яра-

тиб берди. Натижада фермерлик ҳаракати қишлоқда маҳсулот етиштириш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантирувчи салоҳиятли куч сифатида ўзини намойиш эта бошлади. Бугун ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини 6138 дан зиёд фермер хўжалиқлари етиштиряпти.

Бироқ, давр янги талабларни кун тартибига қўймоқда. Давлатимиз раҳбари Хоразм фермерлари билан учрашувлар чоғида бугун фермерлик ҳаракати олдида турган вазифаларни батафсил таърифлаб берди. "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармон фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга салмоқли тасвир кўрсатадиган кучга айланишлари

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

АЁЛ МАСЪУЛИЯТИ

Хондайлик қишлоғида қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида семинар уюштирилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ташкил этган семинарда хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хусусида сўз борди. Шунингдек, фарзанд тарбиясида ота-она ва маҳалланинг роли, ёшларнинг руҳий, маънавий онгини, ҳаётга нисбатан масъулиятини ошириш ҳақида фикр юритилиб, мавзуга оид тақлифлар билдирилди. Тадбир сўнгида "Инсон ва қонун" видеофильми намойиш этилди.

ҚОНУН-ҚОЙДАЛАР ТУШУНТИРИЛДИ

2-умумтаълим мактабиде фуқаро муҳофазасига бағишланган ўқув машғулотини ўтказилди.

Унда табиий офатлар ва экология муаммолар натижасида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар ва уларга қарши чоралар ҳақида гапирилди. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг сергақлигини ошириш мақсадида амалий машғулотлар уюштирилди. Хавф-хатарни бартараф этишга доир қонун-қоидалар тушунтирилди. **Ирода НОРБЕКОВА.**

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Конституцияимиз бир фуқаро сифатида немаларга мажбур эканлигини ҳам аниқ белгилаб беради. Барча фуқаролар: — Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга; — Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга; — атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга; — қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга; — Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқobil хизматни ўташга (47–52-моддалар); шунингдек, — ота-оналар ўз фарзандларини воёга ет-

гунарига қадр боқиб ва тарбиялашга; — воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга (64-66-моддалар) мажбур.

Демак, қимки: "Маънавият — шахсий масала, у фақат ихтиёрийликка асосланади", деса, катта хато қилади.

Баъзиларнинг унда-мунда: "Маънавият — жуда умумий тушунча, унга ўзи немалар кириши номаълум", деб юрганига ҳам гувоҳ бўламиз. Бу ноҳақ гап. Албатта, шахс маънавияти — жуда мураккаб, кенг қамровли масала. Ҳозир ёш миллий давлатимизда шахс маънавияти мезон ва меъёрлари шакллантири бориляпти. "Миллий истиқлоқ" рисоли, асосий тушунча ва тамойиллар" рисолида, муҳтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас кўч" асарига уларнинг энг муҳимлари акс эттирилган.

ДАВЛАТ ВА АДОЛАТ ТАЯНЧИ

Шахс маънавиятининг бир қисмини фуқаро маънавияти ташкил этади. Бу шахснинг фуқаро сифатидаги маънавий ҳуқуқ ва мажбуриятларини билдиради. Масалая шу нуқтаи назардан ёндашсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаро маънавиятининг бурча муҳим асосларини топамиз.

Конституция — бевосита маънавият мезони ҳам. Фуқаронинг ҳар қандай хатти-ҳаракатини шу мезондан келиб чиқиб баҳолашга ҳақлимиз. Ахир, жамият қонунларисиз яшаши мумкин эмас, деган ҳулоса — инсоният Одам Ато давридан шу бугунгача эришган энг улғу ҳулоса-да. Чунки қонунсизлик авж олган жойда сўз билан иш, яъни тил билан далил бирлиги йўқолади, одиллар оғзида бошқа гап айтади-ю, амалда бошқа иш қилади, алдов, найранг,

макр-ҳийла, хушомад, пора аралаштириш ва шу каби бошқа талай иллатлар маҳорат белгиси саналиб қолади, қинғир йўллар билан тўпланган бойликларини кўз-кўз қилиб, ҳалол-покиза меҳнати кетидан қонуний даромад топаётганлардан устун эканлиги билан мақтанадиган тоифа пайдо бўлади, маданий-маънавий ҳаёт қонунлари ўрнини амалда эгаллай боради. Бу эса кўпларнинг қўлини ишдан, кўнглини яшайдан совутади, самимият йўқолади. Маънавият иморатига дарз кетади...

Хуллас, Конституция ва қонунларга амал қилиб яшаш учун ҳар бир фуқаро юксак маънавий даражага қўтариллиши керак. Бу мамлакатнинг келажаги учун ҳам зарур.

Қонунларни билмаслик ҳам — маърифатсизлик. Халқ

сифатида бу жиҳатдан ҳам хали кўп поғоналарга қўтариллишимиз керак. Бир асалчини биламан. Тўқсондан ошдилар. Асаларилари — икки юз кўти. "Шу отахон ҳақида бир ёзма бор-да", дедим бир профессорга. "Кўйинг, — дейди шу олим, — солиқчилар келиб, гиппа бўғмасин тагин чолни". Ана, холос... Профессор ақамиз мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, асалдан солиқ қолмаслигини билмас экан.

Қонунларни билмаслик — икки томондан зиён. Биринчидан, қонундан беҳабар киши уни билиб-билмай бузиши — осон. Иккинчидан, баъзи қимсалар бошқаларнинг қонунини билмаслигидан ўз қўлимиз манфаати йўлида роса фойдаланади.

(Давоми 2-бетда).

МАЪНАВИЯТ

АСР ВА БОСИ

Бугунги кунда "орзу-ҳавас"ини тизгинлай олмай, кайфу сафо кўчаларида вақтини хуш ўтказишга ўрганган одам борки, бора-бора бедаро бир касаллик домига тушиб қолмоқда. У бир бора татиб кўрган "мўъжиза"сини қайта-қайта кўмсаб, бошқа ҳавасмандларни ҳам жар ёқасига бошлаётир, бу ҳаётни қоронғи дўзахга айлантираётир.

Инсоният қадим-қадимдан "бу дўзах"ни лаънатлайди, лекин уни бутунлай бартараф эта олмайди. У XXI аср бошларига келганда ОИТС касали билан кенг тарқалиб, "асри вабоси"га айланди.

Ривоят: "Беш минг йиллар илгари тропик ўлкаларида кока ўсимлиги кенг тарқалган. Ибтидоий одамлар уни ҳаёт учун керакли, фойдали ҳисоблашган, ҳатто уни илоҳий билан боғлаб, кока дарахларига сийғинишган, уни илоҳий бир неъмат деб биллишган".

Даврлар ўтиб, кока инсон умрига завол эканлиги аён бўла бошлади. Хиндулар 30-35 ёшдаёқ қариб қолишларига кокани зулуксиз истеъмол қилиш сабаб эканлигини тушуниб етишган. Асрлар, замонлар ўтиб, бугун инсоният олдида шундай бир жумбоқ кўндаланг бир бўлдики, унинг Куррай Заминимиз, Она ер фарзандлари тақдирига хавфини ба-мисоли умумжаҳон ядровий фалокати оқибатлари билан муқояса қилиш мумкин.

Зеро, жаҳон халқлари бошинга қора қўланка ташлаб турган, Аллоҳнинг энг муборақ мавжудоти — одамзот уругини ҳам айнитиб юбориши аниқлиги инсоният зақолари томонидан эътироф этилган аср дарди — ОИТС хуружи кучайиб бормоқда.

Далил: "Бугун Ер юзи мамлакатларида гиёҳвандлар 200 миллион кишидан ошиб кетди. Ҳар 10 минг одамдан 25 киши сурункали наشاءанд. Уларнинг 70 фоизи ҳали 30 ёшга тўлмаган йигит-қизлар. Баъзи мамлакатларда мактабларнинг ҳар 100 ўқувчисидан 15-20 нафари сўнгги ойда ҳеч бўлмаганда бир марта гиёҳванд модда қабул қилди".

Бу жараён кўлами жадал кенгайиб бораётгани ОИТС касаллиги юқишини тезлаштирувчи сабабга айланди. Натижада ОИТС, захм ва бошқа юқумли касалликлар турли минтақаларда тез тарқалиб бораётир. Жаҳон солиқни сақлаш шакли тои маълумотида кўра, 2003 йилга келганда бу дардга қўнган 18 минг 500 киши қалинган. 2004 йили ОИТС

3,1 миллион кишининг ёстигини қуритди.

Лекин бало якка-ёлғиз ёпишмайди. Қўпична, гиёҳвандлар ОИТС билан бир қаторда сил ёки гепатитнинг ўта оғир турларига чалиниб қоладилар. Бу ҳолат кўпроқ жиноятчиларнинг жазони ўташ жойларида кузатилади. ОИТСни қўтириб олганларнинг 46 фоизи умрида бир марта бўлса ҳам озодликдан маҳрум этилган шахслардир.

Ҳозирги пайтда жаҳондаги 40 миллиондан ортиқ одам ОИТСни қўтириб олган. Бу эпидемия Россия, Украина, Марказий Осиё мамлакатлари ва Зронда кучайиб бораётгани кузатилаётир. Россияда ОИТСга қалинган касалларнинг 80 фоизи 15-25, қисман 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Бу мамлакатда ҳар кўни 100 киши ОИТС дардига мубтало бўлиб бораётгани расман эътироф этилган. Ҳар йили ОИТС қўтириб олган 13 минг аёл фарзанд қўраётир.

Ҳикоя: "Янгийўла Тошкент шаҳридан келин бўлиб тушган эдим. Эрим — хайдовчи, олис-олис юртларга юк таширди. Иш, уй юмушлари билан вақт ўтганини сезмас, эримнинг Россиями, Туркиями — хориж йўлларида эсон-омон юришини Яратгандан тилаб тоғ орттирардим..."

Давоми 2-бетда).

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ЯНГИ БОСКИЧДА

ҚИШЛОҚДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

рибасидан фойдаланиш, бошқаруви такомиллаштириш масалаларида фикрлашиб олинди.

Туманларда фермерлар кенгашлари фаол ишга киришляпти. Дастлабки қадамлар кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг молиявий имкониятлари кенгайиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари барпо этилиши, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишига олиб боражагини тасдиқламакда.

Иқтисодий ислохотларни шу тарихқа чуқурлаштириб боришда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолияти тобора муҳим

ахамият касб этмоқда. Улар қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилмоқдалар. Чунки, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофазасида қишлоқ маҳсулотлари бўйича доимий комиссияси фермер хўжалиқлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам кўрсатишга доир долзарб масалаларни чуқур ўрганмоқда ва амалий қарорлар қабул қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

ДАВЛАТ ВА АДОЛАТ ТАЯНЧИ

Ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурч ва мажбуриятлари яхши билишига эришиш ҳам — маънавият ва маърифат раванклиги таъминлаш, деган гап.

Конун инсон табиятидаги нафсни тартибга солиш учун керак. "Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга солодур", деб беғиз айтилмаган-да.

Инсон нафс балосига мутолаликдан қўлини унчун ҳам у амалдаги қонунларга бўйсунмишга мажбур этилиши керак. Чунки муқабб ағалик — табиий инсоний туйғу. Бирок бу туйғу тасвирда нафс ҳаққалақ отиб кетмаслиги учун ҳам қонун ҳалол меҳнат ва маҳорат кетидан бойиш имкониятларини яратиб бериши лозим. Ҳалол йўл билан бойиш мумкин бўлган жамиятга ина илгор хосбандиди. Конституциямиз бизга шундай имкон беради. Ўзбекистон ана шу кўксак тамаддуний даражага қўқиб олиш учун қаттиқ интиляпти. Юрбоситини халқни шу мақсад сари етакляпти.

Конституциямиз "Муқаддима"сида қайд этилган "инсонларвар демократи хуқуқий давлат барпо этиши кузлаб" сўзлари замирида шундай ёруғ ният муҷассам, деб ўйляйман.

Дунё — бесўроқ, юрт — беёга, шаҳар — бедарвоза эмас.

Аслида, бу — халқ тилида минг-минг йиллардан буён ишлатилариб, сайқалланиб кетган бир гап. Лекин шу ўта оддий ҳақиқатни баралла, ҳеч кимдан қўнмай, ҳеч нарсадан обғин қалтирамай, дангал айтиш учун ҳам дунё — тинч, юрт — озоод, мамлакат — муқталик, фуқаро — эркин шахс бўлиши керак.

Ониги, йигирма бир-йигирма икки йил бурун, бу сўзларни ёзиш у ёқда турсин, аксариятимиз шундай фикрлашга ҳам қўрқар эдик. Истиқлолимиз, энг аввало, ичимизга кириб олган ана шу қўрқувни йўқотди — юрагимиздан сидириб ташлади.

Чунки муқтарам Президентимиз эски тузумдан батомом вомз келгангани, бозор иқтисодийётига асосланиб ривожландидаги демократи жамият ва хуқуқий давлат барпо этишга киришганимизни истиқлолимиз ўзи билан бирга — ўша тарихий кунда, 1991 йилнинг 31 августидеяқ эълон қилди.

Энди бунинг қафолати бўлиши керак эди. Шунинг учун янги давлатнинг энг биринчи вазифаси сифатида дарҳол ва жадал сурьатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ҳақиқатга тушилди.

1992 йилнинг 8 декабри, ҳеч шубҳасиз, истиқлол сар- (Давоми. Боши 1-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР ШИКОЯТДАГИ ДАЪВОЛАР ТАСДИФИНИ ТОПМАДИ

Тахририятга Учтепа тумани Чилонзор дахаси 24-мавзедаги 32-ўйда яшовчи фуқаро Гулнора Жамилбековадан шикоят хати келган эди. Унда 78-мактаб ўқитувчиси Матулова Мусулмонова шикоят аризаси муаллифининг 1-синфда ўқибётган қизи Наргиза Аҳмедовани синфдошлари ўртасида ҳўрлаётгани, бунга ўқитувчининг ноўрин талабларини қондириб беролмаганлари сабаб бўлаётгани баён этилган эди.

Шу шикоят юзасидан Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи Н. Гафоровнинг имзоси билан жавоб хати олинди.

Охангарон шаҳар "Янгиобод" маҳалласида яшовчи Шарифа Тўйчибоева тахририятга йўллаган мактубиди Алишер қишлоғидаги Сулаймоновлар ва Бойчаевлар оиласи ўртасидаги келишмовчилик ва уруш-жанжаллар авж олиб бораётгани, тегишли ташкилотлар бунинг қорасини кўришмаси ва назорат қилишга қўқиб олиб беришга, хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида фикр-мулоҳаза билдирган эди.

Ушбу шикоят хати юзасидан тахририят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Х. Эрматов имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейляди: "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви Охангарон шаҳар, "Янгиобод" маҳалласи,

дафтарининг 1991 йил 1 сентябридан кейинги энг муҳим саҳифасини ташкил этади.

Одамот аслар мобайнида ривожлана-ривожлана, жамиятни фақат ва фақат қонунлар орқалигина адолатли тарзда бошқариш мумкин, деган фикрга алақачон келиб бўлган. Дунёда бунинг намунасини кўрсатаётган, қонун устуворлигига эришиб яшаётган ва тараққиётнинг юксак чўққиларига етаётган илгор мамлакатлар ва халқлар оз эмас. Жаҳон бизга шу энг юксак даражани кўзлаётган, шунга бел болаган халқ сифатида қарай бошлады. Биз шунга лойикмиз.

Янги аср, янги минг йиллик кириб келди. Ҳўш, Ўзбекистон, бу аср, бу минг йилликни қайси муҳим вазифани ода этиш билан бошлады? Республика Президенти шун янги давринг дастлабки кунларидан бирида — 4 январда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишини имзоляди.

Ҳўш, нега истиқлолнинг ўзини йилгига келиб Юрбоситини халқнинг диққатини айна ана Конституцияга қаратди? Бу санадан бор-йўри бир ойча олдин бугун мамлакат аҳли Конституциямиз қабул этилганнинг 8 йиллигини катта байрам қилган эди.

Давлатни қурдик, уни тинимсиз янада такомиллаштира бораёмиз. Халқ истиқлол йўлининг оғир, мураккаб даришдан катта матонат ва улғу донолик билан ўтди. Одамлар келажакка умид кучайди. Фуқаролар ҳаракатга тушди. Яшаш, фаровон турмуш барпо этиш, Истиқлолни асраш ва мустаҳкамлаш учун фақат давлат эмас, ҳамма — ҳар бир фуқаро ҳам масъуъл эканини, бу эса кураш ва оқилона меҳнат билан амалга ошишини тушунди.

Ахир, ҳуқуқий жамиятнинг таркибий қисми ким? Уни ким барпо этади, ким такомиллаштиради? Халқ! Одамлар! Фармойиш, алоҳида таъкидланганидек, "Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида" қабул қилинган. Демак, халқнинг, одамларнинг, хусусан, ёшларининг ҳуқуқий онгига юксалтириш мақсадида турган оламшумул ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий вазифаларни бажариш ҳам амри маҳол.

Нега? Бир нарсани унутмайлик:

КОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ Юқори Чирчиқ туманидаги Мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежиди Конституциянинг 20 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ХДП туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шўхрат Турсунбоев иштирок этиб, Конституциянинг мазмун-моҳияти хусусида тўхтади. Тадбир давомида ўқувчилар тайёрлаган маърузалар ҳам ўқиб эшиттирилди. (Давоми. Боши 1-бетда).

ЭКОЛОГИЯ

ЧИҚИНДИНИНГ ЗАРАРИ ВА ФОЙДАСИ ИНСОНЯТ УНГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БўЛАётганига боғлиқ

Сўнги 30 йил давомида инсоният Ер сферасида мавжуд табиий ресурсларнинг ундан бир қисмидан фойдаланди. Бошқача қилиб айтганда, бу қўрсаткич йилдан-йилга 0,5 фоиз ортиб бормоқда. Айна шунинг учун ҳам инсоният олдида табиий ресурсларни тежаш, унинг ўрнига муқобил ресурслардан фойдаланиш ва хом ашёни иккиламчи қайта ишлаш муаммолари юзага келмоқда. Олимлар XXI асрда ердаги аҳоли 4 баравар, ишлаб чиқариш ҳажми эса деярли 20 баравар кўпайганини айтиш мумкин. Аҳоли атраф-муҳитга чиқараётган чиқиндилар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Лекин афсуски, атмосфера ҳавоси ва сув таркибидида ишлаб чиқариш чиқиндиларини янги технологиялар жорий этиш орқали бутунлай тозалаш имкони йўқ.

Сий ўрин тутлади. — Қўпична гиёвандлик ва ичкиликбозлик оқибатида юқтириб олиндидаги ОИТСнинг энг катта зарари шукки, у инсон танасида иммунитетни кескин сустайтириб юборади, — деган эди бир суҳбат чоғида вилоят ОИТС маркази эпидемиолог Кўтби Мухтомова. — Охир-оқибат вирус зарарлаган аъзолар касалликлар билан кураша олмайдди. Тана секин кечувчи ва саранида бутун ҳаётини ости-устун бўлиб кетди, орзу-умидларини саробга айланди.

Рўпарамдаги ҳужон узоқ жим қолди. Аҳоли нихоятда ачинарли эди. "Нималарни уйланти шу тобда?" "Кўнглидан нималар кечапти?" Гиёвандлик, ОИТС бугун жаҳон ҳамжамияти учун эпидемия тусини олди. Ундан ҳеч ким муҳофаза қилинмайдди, ҳеч бир хонадон бугун ўз ўлиги кириб вафотдан қўқиб кетди, деб айтишди, деган гап.

Конунни билмаслик ҳам, унга амал қилмаслик ҳам, уни ўз манфаати йўлига буришга уриниш ҳам, охир-оқибат, адолатсизликка олиб келади. Энг ёмони, адолатсизликка дуч келган ҳар қандай фуқаро, аввало, давлатдан, кейин жамиятдан, бора-бора, умуман, ҳаётдан норизо бўла бошлады. Ишдан совибди, ҳаётдан бевадди, фаоллигини йўқотди, жамият раванкига ҳисса қўиш имкониятини бой беради.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишининг бирламчи аҳамияти шундаки, йўлбошимиз ҳаммадан — раҳбарини ҳам, ходимини ҳам қонунга амал қилишга, ҳуқуқини танишга қарайтирилди.

Энг асосийси, муқталик Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши ҳам ўрганисин. Ахир, ўз ҳуқуқини, ори, номусини, гурури, нафсониятини ҳимоя қила оладиган кишигина Ватанини, халқини, давлатини, Президентини ҳам ҳимоя қила олади.

Жамият муқамал бўлиши учун у қонун инсонлардан ташкил топиши керак. "Комил инсон гоёси — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамоллиқни муҷассам этган, уни ҳаминша эзгуликка ундайдиган олижаноб гоёдир", деб ёзилди: "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунача ва тамойиллар" рисоласида. Ҳуқуқий онг ривожли ҳам инсон учун қомиллик белгиси эканига ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Конституциямиз ҳар бирининг қомилликка чексиз интилишимизни қафолатлайди. У давлатимиз ва халқимиз учун чинакам адолат мезони бўлиб қолаверади. Бунинг теран аңлаш ҳам — маънавият.

Султонмурод ОЛИМ, филология фанлари номзоди.

КўРИК-ТАНЛОВ

ОИЛАМ — БАХТИМ, САОДАТИМ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси қураётган бошқармаси тасарруфидаги "Умид гулшани" санаторийсида ушбу муассаса ҳамширалари ўртасида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб "Оилам — бахтим, саодатим" мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

Қиёра туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар бешта шарт — юртимизда мавнавийат соҳасида амалга ошириляётган ислохотлар, "Мустаҳкам оила йили"нинг

масъуляти чекланган жамияти ва "Қишлоқхўжалик қиём" худудий давлат-акциядорлик жамияти раҳбарларининг ҳисобовлари тингланган. Корхона ва ташкилотлардан аниқланган қамчиликларни бартараф этиш, шартнома мажбуриятларини вақтида ва тўла бажариш талаб қилинди.

Шажсий ердამчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва тугеи ва маҳсулот этиштириши кўпайтириши рағбатлантиришга доир фармонларнинг Бўстонлик туманида бажарилиши ўрганилди. Депутатлик ўрганишлари тумандаги 11 та зооветеринария хизмати шохбосчи реконструкция қилинаётганини, керакли хўйозлар билан таъминланаётганини тасдиқлади. Қишлоқларда ташкил этилган 13 та шохбосда шрот, шўлка, омухта ва сотилапти. "Бўстонлик Файз Зарифхон" ва "Алишер чорвадор" фермер хўжалиқларида четдан олиб келинган насли қорамоллар кўпайтирилипти.

Депутатлик ўрганишлари туманда балиқчилик ва асаларичилик ҳам ривожланиб бораётганини қўрсатди. Бир йилда балиқ этиштириш 20 фоиз кўпайди. Сўнгий ҳавзаларга 40 минг донга балиқ чавағи ташланган. Шу билан бирга, доимий комиссия мавжуд қамчиликларни бартараф этиш, бошланган ишларни қорар қилдириш чора-тадбирлари қўрсатилган қарор қабул қилди.

Фермерлар фаолияти кенгаётгани аҳоли ва энгил ҳамда озиқ-овқат саноати қорхоналарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқини таъминламоқда, вилоятимизнинг экспорт салоҳиятини кўтармоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни изчил бажариш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ташаббускорлигини кучайтирмоқда.

Аҳмад АБУДУЛЛАЕВ, доимий комиссия аъзоси.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ташкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудидида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан улғусиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юртимда. Комиссия 2013 йил 1 чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етакчи бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилди:

- 1-нав ундан чиқарилган нон
2. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулотли (ГОСТ 779-55)
3. Ярим дудланган қолбаса маҳсулотли (О'zDSt 148-2001, ГОСТ 16351-86) (олгий навли)
4. Дудланган гўшт (О'zDSt 994-2001)
5. Тovuқ тухуми Д-1 (О'zDSt 626-2004)
6. Мева шарбатлари (сок, компот) ГОСТ 656-79, ГОСТ 657-79, ГОСТ 16366-78, ГОСТ 937-72
7. Кефир 2,5-3,2 фоиз (О'zDSt 1086:2005, О'zDSt 1086:2011)
8. Сметана 30 фоиз (жир О'zDSt 1084:2011)
9. Творог 18 фоиз (О'zDSt 119-2003с)
10. Пишлоқ 40-45 фоиз (жир О'zDSt 628:2001, ГОСТ 7616-85)
11. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)
12. Карам
13. Помидор янги узилган (ГОСТ 1725-85)
14. Бодиринг янги узилган
15. Қуритилган мезалар (ГОСТ 7336-89)
16. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)
17. Компот консерванланган.

Танловда мажур маҳсулотларни етакчи бериш бўйича таъбирбага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етакчи бериш бўйича фаолияти таъминланган фермер ва деҳқон хўжалиқлари ишлаб чиқариш ва савдо қорхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар қўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов тақлифлари солинган конвертлар куйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амбир Темир шоҳқўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2013 йил 12 январь кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши лозим: маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми қўрсатилган тижорат тақлифи, — тўлиқна, сифат ва қарантин бўйича сертификатлар, — лицензия, қорхона низоми ва паспорт нусхалари, — солиқ ва хизмат кўрсатувачи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги, — мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омонбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов тақлифлари солинган конвертларни 2013 йил 15 январь кунин Тошкент шаҳри, Амбир Темир шоҳқўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокидида очиш режалаштирилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11.

Чиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Чиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Чиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Чиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Чиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ОЛОВ БИЛАН ҲАММА ҲАММА МАСЪУЛ

Республикамизда шу йилнинг ўзида кўплаб катта-кичик ёнгинлар содир бўлди. Давлат ва халқ мулки бой берилди, моддий ва маънавий зарар кўрилди. Асосий ёнгинлар аҳоли турар-жойларида рўй берди. Улар печ ва газ ускуна-ларининг носозлиги, фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида келиб чиқмоқда.

Туман ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари шу кунга қадар 54 та халқ ҳўжалиги корхоналари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимларига қарашли 17 та муассаса, 11 та кўп қаватли уй ва 3768 та шахсий хонадонда ёнгин хавфсизлигини тарғиб қилиш мақсадида кенг қамровли тадбирлар ўтказишди.

ҲУШЁРЛИК ҲАР КУНИ КЕРАК

Тадбирлар давомида ёнгин хавфсизлиги қоидалари кўп равишда бузилган хонадон эгаларига ҳамда корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига қорунда белгиланган тартибда чоралар қўрилиб, тағрибот ишлари олиб борилмоқда.

Бунда ҳамма ҳамма масъул

Ҳар йилги тажрибалардан маълумки, куз ва қиш фаслларида ёнгинлар кўпаяди. Уларнинг 80 фоизи хонадонларда, шундан 40-50 фоизи газ иситиш печлари ва турли электр ҳўжозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШВИЛСУВОҚАВА» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ҚУЙИДАГИ БЎШ ҲУРАНЛАРГА МУТАХАССИСЛАР ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

«REALTOR GARANT BUSINESS» МҲЖ бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида республика ҳамда маҳаллий нашрларга 2013 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МҲЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларида қуйидаги кўмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда тақдоран қўйилмоқда:

«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МҲЖ бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«SPARETRA» МҲЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА
2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қўйриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилини бошланди!
2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНИ!

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАН ХУШНУД КЎНГИЛЛАР

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга, хусусан ижтимоий имконияти чекланган болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга пойтахтимиздаги 106-заиф эшитувчи махсус болалар мактаб-интернати мисол бўла олади.



ТОШКЕНТ ҚЎВОНЧЛАРИ

Ёшлар ижод саройида жорий йилнинг 10-15 декабрь кунлари Ўзбекистон Бадий академияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими вазириликларининг ҳамкорлигида "Тошкент қувончлари" IV халқаро болалар расмлари биеналеси бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро кўргазмада республикамиздаги 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган иккидорли ўғил-қизлар ҳамда АҚШ, Хитой, Англия, Германия, Япония, Италия, Франция, Хиндистон, Австралия, Руминия, Латвия, Сингапур, Исроил каби ўттизга яқин мамлакат болаларининг икки мингдан ортиқ ижодий ишлари намойиш этилди.

Куни кеча мазкур халқаро лойиҳага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. "Тошкент қувончлари" халқаро кўргазмаси Бадий академияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатлари ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳар икки йилда бир марта ўтказилишда. Биеналени ўтказишдан асосий мақсад болалар ижодиётини ривожлантириш, истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ёш мусаввирларнинг ижодий салоҳиятини юксалтиришга қўмак беришдан иборат.

Биеналегача тақдим этилган расмларда ёш ижодкорларнинг тинчлик, дўстлик, оила, Ватан, умрбоқий анъана ва қадриятлар ҳақидаги тасавурулари содда ва самимий бўлганда акс эттирилган.

Ушбу биеналегача ижодий ишлар "Болалик дунёси", "Менинг Ватаним", "Мен яшаётган дунё", "Менинг орузим", "Мен билган Ўзбекистон" каби мавзулар асосида сараланади. Халқаро биенале диорамидида моҳир расм ва ҳайкалтарошлар, дизайнерлар, санъатшунослар бошчилигида маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар ўтказилади.

"Туркистон-пресс".

РАССОМ ХАНДАСИ



Мерос ўлини-а, мерос...



Республикамизнинг турли вилоятларидан келган 336 нафар имконияти чекланган болалар бу даргоҳда доимий эъзоз ва эътиборда бўлиб, уларнинг таълим олиши, меҳнат кўникмалари ҳосил қилиши, жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Мактаб-интернатда ўнлаб тўғарақлар ишлаб турибди. Фақат жисмоний тарбия бўйича тўрт йўналишда қўшимча машғулотлар ташкил этилган. Ҳуқувчилар

турли спорт тадбирларида тобора муваффақиятли қатнашмоқдалар. Мактаб спортчилари куни кеча Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан ўтказилган мусобақада фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди.

СУРАТААРДА: мактаб-интернат ўқувчилари машғулотда; мактабнинг мини футбол бўйича терма жамоаси – мусобақа ғолиби.

Даврон АҲМАД, Муаллиф олган суратлар.

BOLALIK BO'G'I

O'ZBEKISTON ELIM

Nechog'li azoblar kechdi boshingdan, Sayxanun Jaxunlar to'ldi yoshingdan. Bugun quvonchdamiz ulug' yoshingdan, O'zbekiston elim, jonajon elim, Onamdek mehri pok, onajon elim.

Seni deb kurashgan ko'p haq yo'lida, Birod ketmon-u, nayza go'lida. Yovlar kezar edi, o'ngu so'lingda, Seni deb nechalar to'kdi qon elim, Ularning yodiga sharaftshon elim.

Biroq omon chiqding, shu kurashlardan, Mol-holing talashgan moltalashlardan. Axiyri qutulding bag'ri toshlardan, Bag'ritoshlarni ham siylagan elim, Yetimlar boshini silagan elim.

Bu kun jamolingdan hamma hayratda, Ko'z tegmasni yurim, senga albatta. Xuddi yurgandekman senda jannatda. Jannatdek bezangan o'zimgin elim, Oqu qarosisan ko'zimgin, elim.

Bebaho boyliging mustaqilliging, Yana asosiyi do'st-ahilliging. O'zimgin o'zbegim oxir hur bo'lding O'zbekiston elim, jonajon elim Bugun boru buding o'zniki elim.

Feruza ABDULLAEVA, II respublika tibbiyot kolleji o'quvchisi.

KURGAZMA

БУ ЗАМИН – МЕНИНГ ВАТАНИМ

Мустаҳкам оила йили муносабати билан Камолитдин Бехзод мемориал боғ-музейида Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Миллий расмлар ва дизайн институти ташаббуси, шунингдек, Бехзод мемориал боғ-музейи, "ЭКО-САН" халқаро фонди, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Бу замин – менинг Ватаним" мавзусида ижодий ишлар танлов-кўргазмаси ташкил этилди.

Танловда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расмоллик ва дизайн институти талабалари ўз асарлари билан қатнашдилар. Тақдим этилган асарлар тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайннинг барча бадий жанрлари ва турли мавзуларда бўлиб, Ўзбекистоннинг қадимий бўй тарихи, кўна меъморий ёдгорликлари, миллий урф-одатлари, қадриятларимиз, оила, яшаш тарзинининг айрим қирралари, турли ёшдаги инсон сиймолари, замонамиз қаҳрамонлари, Ватанимизнинг гўзал ва бетакор табиати, йил фасллари, мевалари, наторморлар тасвирланган. Уларда биз овоз-расмларнинг реалистик мактаб анъаналари давомчилиги, бадийликка интилиши кўрамади. Экспозициядан ўрин олган "Окшо тоғлари" (Н. Ҳужаев), "Эртаксимон Сўқоқ" (Д. Ваҳобов) ва бошқа қатор табиат манзаралари акс этган асарлар ҳам томошабинни бефарқ қолдирмади.

Танлов натижаларига кўра, ғолиблар умуман гран-при, диплом, фахрий ёрлик ва ҳомиёларнинг совғалари билан тақдирландилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

СПОРТ ФАХРИЙЛАРИ

Бекобод томонларга ўтсангиз, Отахонполвон, Мирзахонполвонлар ҳақида ҳайратомуз ҳикоялар эшитасиз. Музофотда курақлари ер искамган бу баҳодирлар ўтган асрнинг иккинчи ярмида элда ном қозонган.

Мустақиллик йилларида бу курашчилар сулоласидан навқирон спортчиларнинг янги авлодлари етиляпти. Улар орасида Саидбурхон Отахонов айниқса доврўкли бўлиб майдонга чиқди. Спорт соҳасидаги дастлабки чинқиш сабоқларини отаси Мирзахонполвондан олган ёш курашчига кейинчалик Сейрам Юсупов ва Норбек Йўлдошев мураббийлик қилишди. У каттачилик мусобақаларда қатнашиб, маҳоратини ошириб борди.

– Кейинроқ тош кўтариш машқлари билан жиддий шуғуллана бошладим, – ҳикоя қилади Саидбурхонполвон. – Спортнинг бу тури мустақиллик йилларида омаллашиб кетди. Дастлабки шаҳар ва вилоят биринчиликларида ғолиб чиқдим. Шогирдларим кўпайди.

«UZBEKISTAN BRAND AWARD – 2012» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУЛАНДИ

Ўзбекистон бизнес-консультантлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танловда ишлаб чиқариш корхоналари, реклама агентликлари ва IT-компаниялар иштирок этди.

Танлов сентябрь ойида бошланиб, уч ой мобайнида икки юздан ортиқ номинантлардан кирк етти минг овоз тўпланди. Овоз беришнинг биринчи bosqichi brandnews.uz портали орқали реал вақт режимида ўтказилган эди.

Танловнинг иккинчи bosqichi ҳайрат аъзоларининг ёпиқ овоз бериши орқали ўтиб, унинг якунига кура 15 номинация бўйича ғолиблар аниқланди.

Энг яхши кадрлар, реклама агентликлари, йил қадоғи, йил логотипи, энг яхши янгиликлар

сайти, энг яхши бизнес-лойиҳа, энг яхши халқаро ва халқ бренди каби номинациялар шуллар жумласидандир.

Шунингдек, "Йил PR-компанияси" номинациясида ArTel ва Dewell савдо белгилари ғолиб деб топилди, TPS ва Paynet – энг яхши миллий брендлар, Beeline ва UzTelecom мобил алоқа операторлари – йилнинг энг яхши халқ бренди сифатида эътироф этилди.

Алиёр ОРИПОВ, "Туркистон-пресс".

ЧЕМПИОНЛАР УСТОЗИ

Тош кўтариш бўйича Ўзбекистон чемпионати илк бор 2007 йили ўтказилди. Уша мусобақаларда муваффақиятли қатнашган Саидбурхон Отахонов 24 килограмм тошни 156 марта даст кўтариб, Ўзбекистон чемпиони шарафли унвонини қўлга киритди.

Уша йили Украинанинг Запорожье шаҳрида тош кўтариш бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиониати ўтказилди. "Ўзметкомбинат" оқиқ акциядорлик жамияти теннис кортининг директо-

ри Саидбурхон Отахонов Ўзбекистон терма жамоаси сафида шу мусобақаларда 90 килограмм вази тоифасида иштирок этди. У 32 ки-

бу турини оммалаштириб, шогирдлар билан мунтазам машғулотлар ўтказди, уларда куч, эпчиллик ва галабага бўлган иро-

дани чинқиришга бутун қобилияти ва малакасини сарфлаб бошлади. Изначл машқлар ўз самарасини берди. Шогирдлари мамлакат чемпионатларида қатнаша бошлашди. Устоз спортчида сабоқ олган ишчи Фанишер Худойназаров икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Техника касбхунара коллежи ўқувчилари Шердор Тожикюлов, Сардорбек Жўрабоев, Шоҳинур Аб-

НИГОҲ НАРКОТРАФИККА ЭРК БЕРИШ ОҚИБАТИ

Малакали мутахассисларнинг гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш зўрайиб бораётгани, у бутун дунёни жунбўшга келтиргани ҳақидаги таъшиши сўзлари йилдан йилга тобора кучлироқ янграмоқда. Бу оғуни фақат бир маргабга татиб кўрмоқчи бўлганлар, яна такрорлашни истаб қолдилар. Қарабизки, гиёҳвандлар сафи яна биттага кенгайди.

Бироз таъриба ортириб, "ингага ўтирганлар" эса дахшати махлуққа айланадилар. Навбатдаги бир чимдиминга ажал уругини топиш учун ҳатто инсон умрига завоаб бўлувчи оғир жиноятлардан ҳам қайтмайди. Энг дахшатлиси, оғу ҳумор қилиб, бутун танани қалтираб қолганда, кўзлари қонга тўлиб, яқинлари, ота-оналари, хотин-болаларини ҳам аяб ўтиришмайди.

Гиёҳвандлик моддаси дея аталувчи бу мараз оғу қанчадан-қанча одамларга гам-қайғу ва ўлим олиб келмади дейсиз! Тожикистон раҳбарлари гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдосига эрк бериб, ҳатто, рағбатлантириб тураётганлар, яна қанча одамларнинг ажал-лидан беш кун бурун ёстиги қурийдими? Бугун Тожикистон – афсон тарқалган оқиб ўтадиган асосий транзит пункт, ажал уруғлари айнан шу базадан дунёнинг кўпلىк мамлакатларига тарқалади. Воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши катта ҳавф эканини халқаро ҳам-жамият анча йил аввал англаб етиб, бир қатор чора-тадбирларни кўрган эди. Аммо, афсуски, Тожикистонда наркотрафикага қарши кураш оғиздаги қуруқ гапдан нарига ўтмайпти.

Экспертлар вазиятга бераётган баҳора қараганда, Тожикистонда коррупция гурқираб ривожланавераркан, бирор чора-тадбирнинг амалий натижасини кўришимиз амри маҳол. Тожикистон ҳукумати тепасидагилар ва куч қўлловчи идораларнинг раҳбарлари учун бугун наркотрафикага қарши курашдан кўра, уни рағбатлантириб туриши фойдалироқ. Ушбу қора бизнес ординат йилига миллиард-миллиард долларлар оқиб келиб турибди. Бу нарқодолларлар мамлакатнинг оёқда туролмай, тўрт томонга чайқалаётган

иқтисодиёти учун наҳот тиргаги вазифасини ўтапти. Ажабланарлиси эса, амалдорлар ва куч қўлловчи идоралар раҳбарлари тўқилқандан кекириб яшаш-шатили, оғу ҳумор қилиб, бутун танани қалтираб қолганда, кўзлари қонга тўлиб, яқинлари, ота-оналари, хотин-болаларини ҳам аяб ўтиришмайди.

Шу боис Тожикистон ички ишлар вазириликни ҳодимлари зўр бериб қиранилиги қулғили хол. Улар Шўробод туманида иккита махсус операция ўтказдилар. Натijaда 190 килограмм гиёҳвандлик моддалари қўлга туширилди. Ҳўш, ўша ҳар икки уриниш ҳам шўнчаки, "томоша" эмаслигига, жаҳон ҳам-жамиятини қалғитиш учун атайлаб ўйлаб топилган "кўз-кўз қилиш ўйини" эмаслигига ким қаролат беради? "Мана, кўриб қўйинлар, биз курашяпмиз, сизлар бераётган маблағларни оқляпмиз" дегандек.

Дарвоқе, ўша ёрдам сармояларининг асосий қисми амалдорларнинг ҳамён-ларига тушгани ҳеч кимга сир эмас. Гарчи уларнинг бошқа ҳамёнларига нарқодолларлар тинимсиз оқиб келиб турган бўлсада.

Ҳукумат одамларининг хатти-ҳаракатлари, гиёҳвандлик моддалари савдосини атайлаб, яъни очикдан-очик рағбатлантираётганлари оддий халқни ҳам шўндай фаолиятга даъватдек туюлаётган экан, улардан нимани ҳам кўтиш мумкин? Шўндай экан, одамлар ҳам қўл қўштириб ўтирмай, ҳаракат қилишяпти. Кўпчилик наркотрафика жараёнида бевосита иштирок этаяпти. Бечоралар бошқа нима ҳам қилсинлар! Оилани боқиб қерақу! Пул ишлаб топишнинг бошқа йўли, чораси йўқ. Қолаверса, бундай уддабуронлар-



нинг қўрқадиган жойлари йўқ. Улар яхши билишади, мабодо, гиёҳванд моддалар савдосида қўлга тушиб қолмаса, амалдорлар ёки куч қўлловчи идоралар ҳодимлари орасида уларни химия қўлувчилар ёки пул (пора) эвазига қўйиб қўлувчилар ҳар доим топиллади.

Шу боис Шеробод тумани аҳолисининг кўпчилиги нарқобизнес билан жиддий шуғулланади. Бунинг таъбири қўлайлиги ҳам бор. Яъни бу ер Тожикистоннинг жанубий томонида. Давлат чегараси юксак тоғлар орасидан ўтади. Чегарачилар бу томонларни энг мураккаб ва хавфли жой дейишади. Негаки, чегара олис-олисларга қўзилган бўлиб, ўтиб бўлма жойлари кўп. Бу эса нарқобурчилар учун аниқ мудоаа. Таъбир жоиз бўлса, шўрбодликларга "жонажон" ҳукуматларидан кўра, она табиатнинг ўзи яхшироқ ёрдам берапти. Эеро, ҳукумат раҳбарлари ушбу вазиятни ўнглаш учун қўлларини совуқ сувга урмаяптилар ва урмаслар ҳам керак. Акс ҳолда мўмай даромад оқими тўхтайдими.

Мамлакатда юзага келган бугунги шароитда ҳукумат раҳбарлари учун гиёҳвандлик моддалари оқимиға кучли тўсиқ қўйиш энг мақбул ишдир. Аммо, бундай бўлмапти. Бу, жўн қилиб айтганда, кўпчиликини хайрон қолдирипти. Ахвол шўндай экан, камбағал тожик халқига чегарачилар, милиция ва махсус хизмат ҳодимларининг бутун бошли армиясини бекордан-бекорга боқиб ётишининг нима кераги бор? Эеро, бу соҳалар вакилларининг асосий хизмат бурчларидан бири афгон таряқининг мамлакатга оқиб киришига чек қўйиш ва нарқосавдога қарши курашиш бўлса!

Ҳамон давлат амалдорлари ўз раҳбарлари етакчилигида гиёҳвандлик моддалари савдосидан тушаётган ҳаром пулларни зўр бериб ҳамёнга уриш билан банд эканлар, яшил ажал билан ўйнашлар тожик халқи бошига ҳали кўп балолар ёғдиради.

Платон ВЛАДИМИРОВ, www.tajmigrant.com.

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA. Muassis: Toshkent viloyati hokimligi. Bosh muharrir: Ubaydulla ABDUSHOXIDOV. Manzilimiz: 100000, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchi, 32. e-mail: th.tp@mail.ru. Telefonlar: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (faks). 233-12-83, 233-48-08. 236-55-54. 233-54-10. Toshkent viloyati Matbuot va axborot bo'limida 2011 yil 12 yanvarda 03-001 raqami bilan ruyxatga olingan. Gazeta «Toshkent haqiqati» taхririya ti kom'pyuter markazida teriladi va saхifalana ladi. Navbatchi muхarrir: Sayira RIXSIEVA. Navbatchi: Юлдузхон МУҲИДИДИНОВА. Saхifa lovchi: Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ. Haхtaning chorshanba va shanba kunlari chikadi. Буюртма Г-1242. Адади 6837. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10.12345